# ХАЛҚ ИШОНЧИ - ЁРҚИН КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

## 9 ЯНВАРЬ ТОНГИ

*(репортаж)*

*ҚИШ чилласининг тонги. Борлиқдан ҳали тун пардаси кўтарилмаган. Кўчаларни тўлдириб сайлов участкаси томон бораётган отахонлар, мунис оналар, ёшларнинг ўйида ягона мақсад: истиқлол нуридан баҳра олиб, ўз қаддини ростлаётган мамлакатимизнинг эртанги тақдири, халқимизнинг буюк келажаги учун муносиб номзодни танлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш эди.*

Тошкент Давлат Аграр университетида жойлашган 599-сайлов участкасида ўз бурчини адо этишга бораётган одамларнинг бири, меҳнат фахрийси Абдуманноб Турсунов билан йўл-йўлакай гурунглашиб қолдик.

— «Исломобод» маҳалласиданман, ўғлим, — дедилар у киши. — Мен номзодимни аллақачоноқ танлаганман. Энг оғир пайтларда юртимизни алғов-далғовлардан ёруғликка олиб чиққан бир инсон юрагим тўридан жой олган. У ҳам бўлса Ислом Каримов. Бугун уни қўллаб-қувватлаб овоз бераман.

Ота ўтган саккиз йил ичида мамлакатимиз, хусусан, ўзлари яшаётган маҳалла қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани, ҳеч нарсадан камчилиги йўқлиги, диний эътиқодларга, Ҳажга эркин йўл очилгани, ночорлар, етим-есирларга мурувват ортганлиги ҳақида дилдан гапириб борар эканлар, «Маҳаллаларга бўлган ғамхўрликни, уларга берилган эркинликни қаранг, фаолларга билдирилган ишончни айтмайсизми», деб юртбошимиздан мамнунликларини билдирдилар...

Соат 6.00. Участка сайлов комиссияси раиси Муллатой Бегалиев сайловчиларни ҳаётимиздаги муҳим воқеа билан қисқача табриклади.

Абдуманноб ота, меҳнат фахрийси Феолтисто Теличко, талабалар Алишер Холиёров, Умид Мамадалиевлар биринчи бўлиб овоз бердилар.

Алишерни суҳбатга тортдик.

— Яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлишимиз учун барча имкониятлар бор, — деди у. — Шинам ётоқхоналар, аждодларимиз — ал-Хоразмий, Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур номлари билан аталган маънавият марказлари, Амир Темур кўргазмаси, бой китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, қироатхона, маданият саройи, спорт мажмуи, теннис корти биз ёшларнинг билим ва малакамизни оширишда, жисмоний чиниқишимизда катта аҳамият касб этмоқда.

Суҳбатимизга келиб қўшилган университет доценти Неъмат Саъдуллаев бу йилги сайловларнинг ҳар сафаргисидан фарқ қилганлиги, эркинлиги, қонуний тамойиллар асосида ўтаётганлиги тўғрисида сўзлар экан, етти кишидан иборат сайлов комиссияси алоҳида фаоллик кўрсатганлигини ҳам таъкидлади.

Сайловларга ҳозирлик жараёнида Президент сайлови тўғрисидаги қонунларга доир сермазмун суҳбатлар ташкил этилди. Сайловчилар рўйҳатига бағишлаб, шунингдек биринчи бор овоз берувчилар билан уюштирилган учрашувлар айниқса мароқли бўлди.

— Кейинги йиллар ичида университетимиз ислохотлар йўлидан бориб, қатор ижодий самараларга эришмоқда, — деди олим, — айрим талабалар «Умид» йўлланмаси билан хорижий мамлакатларда билим олмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олий ўқув юрти қошида касб-ҳунар коллежи, гимназия, лицей фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Ёшлар Президент томонидан кўрсатилган меҳрибонликларни аниқ ҳис этмоқдалар.

Бундай шарт-шароитларга жавобан талабалар жамоат ишларида фаол қатнашмоқдалар. Бугунги сайловлардаги уюшқоқликнинг боиси ҳам ана шундан.

Мазкур сайлов участкасида 1739 нафар сайловчи рўйхатга олинган эди. Соат 10 бўлмасданоқ уларнинг 56 фоизи овоз бериб бўлдилар, соат 18.00да эса бу кўрсаткич 94 фоиздан ошиб кетганди. Бу муҳим кампанияда касб-ҳунар коллежининг биринчи маротаба сайловда қатнашаётган Раъно Саидаҳмедова, Мансур Тўраев каби ўқувчилари ҳам ўзларининг конституциявий бурчларини бажарганликларидан беҳад хурсанд эдилар.

Шу куни сайлов участкасида овоз бериш юқори кайфиятда, якдиллик билан ўтди. Бу кунги тонг «Исломобод» маҳалласи, университет ҳаётида чинакам маънода тарихий тонг бўлиб қолди.

***Саидвали ҲАСАНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

Ватан остонадан бошланади, деган нақл бор халқимизда. Бу сен яшаётган мамлакат, шаҳар, қишлоқ, маҳалладан, маҳалла эса сен туғилиб, вояга етган, сен яшаётган хонадондан бошланади, деганидир. Яшириб нима ҳам қилдик, собиқ шўролар замонида, айтайлик, ўн-ўн беш йиллар муқаддам маҳалла қўмиталари номигагина сайланарди. Уларнинг фикрини ҳеч ким инобатга олмасди ҳам.

## ЭЛ АРДОҒИ

Ҳозир эса, истиқлолимиз шарофати туфайли, ўз-ўзини бошқариш тизимларига тўла ҳақ-ҳуқуқлар берилди. Маҳалла оқсоқолларининг нуфузи ўсди. Отанг маҳалла, онанг маҳалла, деган ибратли сўзлар ўз ижобатини топди. Бунга эса, асосан, Президентимиз ташаббуси, унинг қўллаб-қувватлаши билан эришдик.

Халқимиз келгусида бундан-да ёруғ кунларини, фаровон турмушини, нурли келажагини Ўзбекистоннинг манфаати, равнақи ва истиқболини Ислом Каримов тимсолида кўраётганлиги рост.

Бу куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларида ҳам яққол кўзга ташланди. Мамлакатимизга Юртбошимиз Ислом Каримовдай мард, танти, доно инсон, миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳанг олиб бораётган Йўлбошчимиз борлигидан кўксимиз ғурур туйғуларига тўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эл ардоғи ҳамма нарсадан улуғдир.

***Обиджон ХОЖИМАТОВ,***
***Бекобод шаҳар Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.***

## ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚУВОНЧИ

*ЮЗЛАБ маҳалладошларимнинг сайлов участкасига кириб келаётганини кузатиб туриб, бир фикр дилимдан ўтди. Собиқ сайловларда: «эрталаб вақтли чиқинглар, еттидан кеч қолманглар», деб тайинлашар, бирор сабаб билан кечикканларни қойишар, ҳатто чора кўришар, салкам халқ душманига чиқариб қўйишарди. Ҳамқишлоқларимни Президент сайловига биров борасан, деб тарғиб қилмади. Улар саҳардан туриб қалб амри билан келишди. Эртанги ёруғ, бугундан кўра бахтли бўлажак кунлари учун овоз беришга келишди.*

Мустақил бўлдим деб айтишга осон. Мустақилликнинг масъулияти ҳам бор, шарофати ҳам бор. Саккиз йил ичида озмунча йўлни босиб ўтдикми? Биринчи галда ўз қадр-қимматимизни яхши англаб олдик. Маънавиятимизнинг қуриб қолган ўзанларини расм-русумларимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз тўлдирди. Бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни тутиб олдик. Ўзлигини таниган инсон учун эса, ҳеч қандай даъватнинг ҳожати йўқ.

Биринчи бўлиб овоз берган маҳалладошимнинг юз-кўзидаги шаҳдамликни кўриб сўрадим:

— Агар, сир бўлмаса, кимга овоз бердингиз?

— Яширадиган ҳеч қанақа ери йўқ, — деди у. — Абдулҳафиз Жалоловни заррача камситмаган ҳолда айтаман. Ислом Каримов учун овоз бердим.

— Шу қарорга келишингизга сабаб борми?

— Мени синаяпсизми? Бундай савол беришдан олдин ҳаётга бир қаранг: ким эдигу ким бўлдик. Тилимизга эгамиз, динимиз, эътиқодимиз яна мустаҳкам тортди. Дунёнинг қай бурчагига борманг, ўзбекман, десангиз. «ооо», деб туришса. Кексалар иззатда-ю, ёшлар хизматда бўлса. Ҳар йили Байтуллоҳ зиёратига, муборак Ҳажга бориб-келиб турган бўлсак. Буларнинг ҳаммаси ким туфайли? Президентимизнинг буюк хизматлари туфайли! Мен келажагимизни Ислом Каримовсиз тасаввур этолмайман, деганимнинг маъноси шу.

Юрагимда туйғуларим жўшиб, мен ҳам маҳалладошларим қатори истиқбол учун овоз бердим...

Мана, бир неча кундирки маҳалламизда, туманимизда кўтаринки руҳ ҳукмрон. Бу ўз келажагига ишонган, ўз Йўлбошчисига ишонган, ҳақ сўзини айтган одамларнинг қувончидир!

***Равшан ОҚБЎТАЕВ,***
***Бўка тумани.***

## ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

***ЯНГИ йил кириши олдидан Мустақиллик майдонида набирам билан сайр қилиб юргандим. Хотира китоби олдида кўз-ёш тўкиб турган аёлни учратдим.***

Отамнинг номлари ҳам ёзилган экан, деди у. Унга тасалли бердим. Аммо ўзимнинг кўнглимда ҳам оғриқ сездим. Жаҳон уруши 900 минг нафарга яқин юртдошларимизни ҳаётдан эрта кўз юмишларига сабаб бўлди. Қанчадан-қанча оилалар отадан, оналар фарзандидан жудо бўлдилар. Кўплари мажруҳ, ногирон бўлиб қайтдилар.

Йиллар ўтиб бормоқда. Аммо уруш қурбонларининг хотираси дилларимизда сўнмайди. Уларга эҳтиром ортиб бораверади.

Шу жиҳатдан олганда Президентимизнинг 9 майни «Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони нур устига аъло нур бўлди. Бу кун халқимизнинг энг гўзал анъаналари қаторидан ўрин олди.

Мустақиллик йиллари ичида инсон қадр-қимматини кўтаришга, унинг азизлигини эътироф этишга қаратилган кўп фармонлар қабул қилинди. Хусусан, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш, ёлғиз қариялар, етим-есирлар, ногиронларга моддий ёрдамни кучайтириш, энг кам ойликлар миқдорини ошириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Халқимизда қадрлаган қадр топади деган гап бор. Президентимиз ҳамиша элимизни қадрлаб келмоқда. Одамларнинг эса Юртбошимизга ҳурмати баланд. 9 январь куни аксарият сайловчилар Ислом Каримовга овоз берганликлари бунинг ёрқин ифодасидир. Булар сафида мен ҳам борман.

***Йўлдош СУЛАЙМОНОВ,***
***Меҳнат ва уруш фахрийси,***
***Оҳангарон тумани.***

## ТАДБИРКОРЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

***БУНДАН бир неча йил муқаддам «Фалончи магазин сотиб олибди» деса, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлаши турган гап эди. Эндиликда мустақкилигимиз шарофати туфайли тадбиркорлик учун катта имкониятлар очилди.***

Дастлаб тадбиркорлик ишига чўчиб-чўчиб қўл урдим. Чунки, у маҳалда бундан қандай натижалар чиқишини ҳали яхши билмас эдик. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда бироз қийналишга тўғри келди.

Президентимизнинг қатор фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилингач, бу ишга дадилроқ киришдик. Қўрғонимизда унча катта наф келтирмай ётган магазинни сотиб олишга жазм этдим. Бу ишга фарзандларимни, яқин кишиларимни ҳам жалб қилдим.

Мана энди бизнинг савдо жойимиз — «Ўзинг қуриб ол» деб аталади. Дўконимизга турли ҳил қурилиш ашёларини олиб келиб сотамиз. Бундан ҳамюртларимиз хурсанд бўлмоқдалар. Чунки, илгарилари арзимас оддий бир михни қидириб, узоқ жойларга овора бўлар эдилар. Эндиликда ҳамма нарса уларнинг шундоқ ёнгинасида сотилмоқда.

...Президент сайлови куни сайлов участкаси томон борар эканман, юқоридаги фикрлар хаёлимдан кечди. Чунки, менинг тадбиркор бўлишим, оила аъзоларимнинг ҳавас қилгудек яхши ҳаёт кечира бошлаганлиги Йўлбошчимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам овоз бериш чоғида юқоридаги гапларни ёнимда бюллетень ушлаб турган ҳамқишлоқларимга айтдим. Уларнинг ҳаммаси менинг фикримни қўллаб-қувватладилар ва амалдаги Президентимиз — Ислом Каримов учун овоз бердилар.

***Жуман САИДОВ,***
***Бўстонлиқ тумани,***
***Товоқсой қўрғони.***

## БЕҲАД ХУРСАНДМИЗ

***ЎТГАН йилнинг охири ва янги йилнинг боши ҳаётимизда муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлди. Булар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни алоҳида ўрин тутади.***

Зеро, озодликка эришган, ўзига хос йўлни танлаб, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий соҳаларда йилдан-йилга ривож топиб бораётган мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси уни ким бошқаришига бевосита боғлиқдир.

Сайлов куни овоз беришга бораётган ҳар бир кишининг кайфияти юксак ва келажакка ишончи катталигини ҳис этиб турдик. Чунки, мустақиллик ҳар бир оила ҳаётига ўзига хос янгилик киритди. Истиқлолимизнинг бошидаёқ Ислом Каримовнинг ҳеч ким боқиманда бўлмаслиги керак, ҳар бир фуқаро жамият ҳаётида фаол қатнашиши лозим, деган сўзларини шахсан мен айни муддао деб билган эдим. Оила пудратчиси сифатида хўжаликдан икки гектар ер олиб, пахта экдим. Умр йўлдошим, қизларим хизматларидан бўш пайтларида ёнимда бўлишди. 1998 йили гектаридан 28, ўтган йил эса 30 центнердан ҳосил топширдик. Даромадимизга даромад қўшилди. Илгари бундай имкониятлар қаерда эди, дейсиз. Мен она сифатида қизларимнинг фақат дала ишлари билан банд бўлиб қолишларини истамадим. Ҳам ишлаб, ўқийсизлар, дедим. Улар сиртдан билим олишди. Умида, Сайёра, Гулчеҳра ўқитувчилик дипломига эга бўлишди. Динора туманимиздаги бизнес мактабда талаба. Дилмурод ўрта мактабда ўқувчи. Айтмоқчиманки, мустақиллик ҳаммани меҳнатга, билимга, ўз ҳаётини яхшилашга, ҳаётда фаол бўлишга ўргатди, бошқача айтганда, ҳаракатга солиб қўйди. Бу интилишларнинг бошида Президентимиз турди, албатта. Умр йўлдошим билан ана шу фарзандларимиз камолга етиб бораётганидан беҳад хурсандмиз. Эрта тонгда сайлов участкасига бориб Президентимизга овоз берганлигимиз сабаби ҳам шундан бўлди.

***Гулзира НАЗАРҚУЛОВА,***
***Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг аъзоси.***




## ЭНГ МУНОСИБИНИ ТАНЛАДИК

***...Меҳнат фахрийси Аҳмаджон ота Муродов Байтқўрғондаги 17-мактабга жойлашган 655-сайлов участкасига ҳаммадан барвақт келиб, овоз берди. У ташқарига чиққанда бир гуруҳ одамлар уни қуршаб олишди.***

**— Кимга овоз бердингиз?**

— Кимга бўларди, муносиблар ичида энг муносибига-да, мана ўзингизлар, бир мушоҳада қилиб кўринглар. Қўшни жумҳуриятларда тўс-тўполон, уриш-жанжал. Одамларнинг юриш-туришида ҳаловат йўқ. Ҳеч нарса татимайди. Тинчлик, хотиржамлик бўлмагандан кейин яшашдан нима маъно?! Бизнинг юртимизда эса мустақил бўлибмизки, тинчлик-хотиржамлик шароитида яшаб келяпмиз. Шунинг ўзи энг катта бахт эмасми? Мен аминманки, Ислом Каримов бўлмаганида биз бундай бахтга эриша олмасдик. Шунинг учун ҳам кўнглимга тугиб юрган ниятимни амалга оширдим. Каримовга овоз бердим.

Сайлов участкаси томон йўл олаётган бошқа фуқаролар ҳам Аҳмад отанинг сўзидан таъсирланиб, маъқуллаб, албатта, биз ҳам Каримовга овоз берамиз, дедилар.

Қибрай туманидаги бу сайлов участкасида 1700 сайловчи ғоят уюшқоқлик, хушнудлик, шукроналик билан ўзлари танлаган муносиб номзодга жуда эрта овоз бериб бўлдилар.

Тумандаги 56та сайлов учкасткасининг ҳаммасида ҳам президентликка сайлов ана шундай уюшқоқлик билан ўтди.

Сайлов участкасига яқинлашиб, ўзлари танлаган номзодга овоз берган сайловчилар мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида амалга оширилган улкан ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Айниқса, ўзлигимизнинг қайтариб берилганлиги, қадриятларимизнинг тикланганлиги, шаҳар ва қишлоқларнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги, «Оила йили», «Аёллар йили»да халқларимизнинг бахт-саодати, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ҳаётга тадбиқ қилинган тадбирлар, айниқса, фарзандларимизнинг билимдон, ўқимишли, тадбиркор бўлиб етишишлари тўғрисида кўрилаётган амалий чоралар, соғлом авлодни камол топтириш йўлида ишлаб чиқилган дастурлар ҳақида миннатдорчилик билан дил сўзларини изҳор қилдилар. Шунинг учун ҳам бу комил инсон учун овоз бериш — келажагимиз, бахтимиз барқарорлигини таъмин этиш билан баробар, деб таъкидладилар.

***Носир РИХСИЕВ.***



## ДУО ОЛГАН ДАВЛАТ ЯШНАГАЙ

*ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ... Бу ибора қисқа бўлса ҳам унинг замирида катта маъно ётади. Зотан, давлат бошлиғини сайламоқ мазкур мамлакат учун, муайян бир халқ учун, қолаверса, ҳар бир фуқаро учун катта аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда бўлиб ўтган навбатдаги Президент сайловлари алоҳида жараёнга айланди. Буни биргина Чирчиқ шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин эди.*

...Эрта тонгданоқ навқирон авлод, нуроний отахон ва онахонлар, турли касб соҳиблари сайлов участкалари томон йўл олдилар. Овоз бериш иштиёқида бўлган аҳоли фаоллиги кечгача сусайгани йўқ.

Биз шаҳардаги 286-сайлов учсткасига етиб келганимизда соат миллари 16га яқинлашиб қолган эди. Овоз беришга келаётган кишиларга пешвоз чиқаётган участка сайлов комиссиясининг раиси Турғунпўлат Қамбаров билан юзлашиб қолдик. Унинг чеҳрасидан овоз беришнинг боришидан мамнун эканлиги шундоқ сезилиб турарди.

— Ҳозиргача деярли тўқсон фоиз одамларимиз овоз бериб бўлдилар. Кўпчилик билан суҳбатда бўлишга ҳам улгурдик, — деди у. — Уларнинг деярли барчаси катта сиёсий кўтаринкилик билан бюллетень олдилар. 1654 нафар сайловчимиз мавжуд.

... Маъди ота Носиров ўшаларнинг бири экан. У киши очиқ чеҳра билан сайловхонага кириб келдилар ва дуо қилиб, шундай дедилар: Ўзбекистонимизнинг, хусусан, Чирчиқ шаҳримизнинг кўз ўнгимизда ўзгача қиёфа кашф этаётганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Мен узоқ йиллар электркимё комбинатида меҳнат қилдим. Айни кунларда тенгдошларим билан қарилик гаштини суриб юрибман. Ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Кўп яшаган кўпни билади, деганларидек, мен ҳам халқимиз бошига тушган турли савдоларнинг гувоҳи бўлганман. Ўттизинчи йиллардаги қатағонликларни кўрдим. Уруш йиллари не-не ажойиб дўстларимиз шаҳид бўлди. Кейинги йилларда биз каби оддий ишчилар малакатимизни, шаҳримизни яшнатамиз, деб кўп саъй-ҳаракат қилдик. Аммо, шўролар даврида сармояларнинг асосий қисми бошқа ёқларга — иттифоқ деб аталмиш салтанатнинг ўгай шаҳарларига олиб кетилар эди. Сув келтирган хору-зор, кўза синдирган азиз, деганларидек, ўзимиз миркуруқ қолаверар эдик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзгача даврлар бошланди. Ўтган саккиз йил мобайнида шаҳримизда 15та қўшма корхона қад кўтарди. Бўй ростлаётган қатор турар-жой бинолари, қайта таъмирланган кўчалар, бозорлар, ўйингоҳлар, истироҳат боғлари кишининг ҳавасини келтиради. 26та мактабда болаларимиз таълим-тарбия олмоқдалар. 4та шифохона, 3та диспансер, 7та поликлиника ёш авлод саломатлиги муҳофазасида турибди. Буларнинг яратилишида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг буюк ҳиссаси бор. Шунинг учун халқимиз у кишини алқаб, дуо қилмоқда.

Президентимиз сайлов арафасида Тошкент шаҳри сайловчилари билан бўлган учрашувда менинг номимга айтилган дуоларни давлатимиз, халқимиз, миллатимиз шаънига айтилган дуолар, деб биламан, деб жуда тўғри айтдилар. Чунки, давлат Президентсиз, Президент эса давлатсиз бўлмайди. Дуо олган давлат ҳам, Президент ҳам, албатта, катта шарафларга нойил бўлажак. Шунинг учун ҳам биз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов номзоди учун овоз бердик.

...Сайлов участкасидан қайтаётганимизда яна бир гуруҳ кишиларга дуч келдик. Улар орасида шаҳар «Нуроний» жамғармаси бошлиғи Эргаш Аъзамов, маҳалла қўмитаси раиси Салоҳиддин Тўйчибоев, фахрийлар Акбар Болтахўжаев, Жуман Сариев, Ольга Кристенколар бор экан. Улар ҳам сайлов участкасида эшитган гапларимизни турли шаклларда баён қилдилар. Лекин мазмун битта эди. Улар ҳам халқимизнинг муносиб фарзанди — Ислом Каримов учун қувона-қувона овоз берганликларини таъкидладилар.

***Раҳимберди УМАРОВ.***
***СУРАТЛАРДА: 286-участкада овоз бериш пайти.***
***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## БОШҚАЧА БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС ЭДИ

*МЕН ТОШКЕНТ туманидаги Гулистон фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қиламан. Устазодаларданман. Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман.*

Лекин, шўролар даврида бу ҳунаримизни эмин-эркин, очилиб-сочилиб ишлатмасдик. Бизни таъқиб этишарди, қийноқ-қистовга олишарди. Биргина мен эмас, бошқа ҳунармандлар ҳам ана шундай оғир аҳволда иш олиб борар эдилар. Мустақилликдан сўнггина биз ҳунармандларнинг елкамизга офтоб тегди. Боз устига Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш тўғрисида» фармон чиқарилди. Бундан бошимиз кўкка етди. Завқ-шавқ билан ишлаб, халққа хизмат қила бошладик.

Ўтган қисқа вақт ичида якка тартибдаги уй-жойлар, шунингдек, жамоат бинолари, турар-жойларни безашда фаол қатнашиб, эл-юртнинг таҳсинига, миннатдорчилигига сазовор бўлаётганлигимизни ғоят мамнуният билан айтаман.

Агар Ўзбекистонимиз мустақил бўлмаганида, шахсан Юртбошимизнинг ўзи биз ҳунармандларнинг бошини силамаганида бу эркинлик ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Қисқа вақт ичида юртимизнинг ниҳоятда обод бўлганлиги, халқимизнинг азалий удумлари қайта тикланганлиги, дилдаги орзу армонлар бирин-кетин рўёбга чиқаётганлиги ҳақида ўйлар эканман, буларнинг ҳаммасига Президентимиз Ислом Каримов бош бўлаётганлигига иймон келтираман. Шунинг учун ҳам биргина мен эмас ҳамкасбларим, маҳалладошларим куни кеча бўлиб ўтган сайловда қувона-қувона Ислом Каримов учун овоз бердик. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

***Расулжон АБИЛОВ,***
***Тошкент тумани,***
***«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси.***

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

*Мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар юз берганини ғурур билан тилга оламиз. Айниқса, ўғлонларимизнинг Ватан сарҳадларида хушёр тургани, ҳарбий бурчини шараф билан ўтаётгани, юртимиз мудофаа қудрати йилдан-йилга ортиб бораётгани, ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик юқори савияда олиб борилаётгани, энг муҳими, армиямиз тубдан ислоҳ қилинаётгани бир ғурурга минг ғурур қўшади.*

*Мудофаа — мустақиллигимизнинг қалқонидир. Шу сабабли ҳам бу соҳага жуда катта эътибор қаратилмоқда. «Мудофаа ҳақида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар бу қалқонни янада мустаҳкамламоқда. Президентимизнинг: «Бизга ихчам, ҳар томонлама кучли, замон талабларига жавоб берадиган армия керак», деган сўзлари ҳар бир Ватан ҳимоячиси зиммасига катта масъулият юклайди. Ўғлонларимиз шижоатли, билимдон, етук аскар бўлиб камол топаётирлар. Улар назарий билимларни чуқур ўрганмоқдалар. Техникани пухта билган, пишиқ мутахассислар бўлиб етишмоқдалар.*

*Ватан — муқаддас! Унинг ҳар бир қарич тупроғини асраб-авайлаш фарзандлик бурчимиздир. Шу бурчини дилига жо этган, эгнида ҳарбий кийим, шаҳдам одим ташлаётган аскарларимизнинг чаққон ҳаракатларини кўрганимизда беихтиёр қалбимизда шукроналик уйғонади. Бу эртанги кунимизнинг ишончли посбонлари, озод юртнинг мард қўриқчилари бўлган фидойи аскарларимиз борлигидан фахр ифодасидир. Шу байрам кунида уларга сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.*





***Бизнинг Ватанимиз посбонлари ана шундай билим оладилар, тайёргарлик кўрадилар, ҳамиша шаҳдам одимлар билан юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қиладилар.***

## ТОТУВЛИГИМИЗ БАРҚАРОР БЎЛСИН

*Ростини айтсам, 1999 йил барчамиз учун кўп жиҳатдан оғир ҳамда ўта мураккаб, зиддиятларга бой йил сифатида эсда қоладиган бўлди.*

*Узоқ йиллар ҳарбий соҳада ишлаб, бўлажак ёш зобитлар таълим-тарбияси билан шуғулланиб келган устоз сифатида айтмоқчиманки, кузатаётган йилимиз давомида, ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун бор имкониятларимизни ишга солдик. 2000 йилда ҳам бу борадаги фаолиятимизни давом эттириб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиларини тарбиялаб, етиштиришга ҳаракат қилаверамиз. Зеро, Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг буюк келажаги, фаровонлиги, тинчлиги учун курашиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверади.*

*Янги йилда қалбимизда ардоқлаган барча орзу-ниятларимиз ижобат бўлсин, хонадонларимизни бахт-саодат, тинчлик-омонлик, тўкислик асло тарк этмасин!*

***Шомақсуд МАЖИДОВ,***
***Чирчиқдаги олий танк қўмондонлиги ҳарбий билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича муовини, полковник.***

# БУРЧГА САДОҚАТ



Атрофда тун сокинлиги ҳукмрон. Одилжоннинг нигоҳи қоронғуликка сингиб кетди. Хаёлида эса туғилиб ўсган жойи, қадрдонлари, ота-онаси гавдаланади. Тупроқ кўчаларда ялангоёқ юрган болалиги, шўхликлари хаёл арғамчисига осилди. Тунги насим унинг хаёлларини силаб-сийпаб ўтди. Одилжон сокинлик оғушида хаёл ва ҳаёт ўртасида муаллақ бўлиб қолди.

Аммо хаёл кўчаларида қанчалар тез кезган бўлса, шунчалар тез ортига қайтди. Ахир у бугун қоровул бошлиғи, унга объектлар, техник қўриқлаш воситалари ишониб топширилган. Одилжон сергак тортиб, соатига қаради. Тунги икки ярим. «Яна озгина қолибди. Ҳадемай тонг отади», — деди ўзига ўзи.

Сигаретига ўт ёқди. Бир-икки тортиб, ёниб бўлган қисмини кулдонга бармоғи билан эндигина туширган эдики, иккинчи постдан тревога сигнали янгради. Одилжон зудлик билан Низом талабалари бўйича иш тутди. «Қоровул қуроллан», командаси берилди. Қоровул бошлиғи содир бўлган воқеа ҳақида ҳарбий қисм навбатчисига маълум қилди.

Эртасига бу воқеа дув-дув гап бўлди. Ҳатто бунга лоф қўшиб шиширганлар ҳам топилди: «Фалон бўлганмиш, пистон бўлганмиш...» хуллас, қоровул бошлиғи ва постда турган посбоннинг ҳушёрлиги, сергаклиги туфайли жиноятчи қўлга олинди. Воқеани достон қилиб юрганларга Одилжон: «Ҳа, шунчаки бир қоидабузар экан. Биз ўз бурчимизни бажардик, холос», — деди.

Одилжон Розиқов таржимаи ҳолига кўз югуртирамиз. У 1987 йилда ҳарбий билим юртини тугатган. Сўнгра взвод командири вазифасида хизматини бошлаган. Ўтган йилдан Одилжон Розиқов қўриқчилар бўлинмасининг сардори эди. Ҳозирда ҳарбий қисм штабининг бошлиғи лавозимида. У аёли Гулчеҳра билан Мадина ва Амал исмли фарзандларини тарбияламоқда.

Ҳозирча бу таржимаи ҳолга яна битта қўшимча қўшиб қўйсак бўлади. Майор Одилжон Розиқов Қуролли Кучларимиз 7 йиллик тўйида «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ўтган йил 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунида Нуъмон отанинг юзига қувонч солган из яна биттага кўпайди. Ахир фарзанд Ватаннинг, эл-юртнинг ишончини шараф билан оқлаяпти-да.

— Майор Розиқов юксак касбий малакага эга ҳарбийларимиздан. У оддий аскарлардан тортиб, офицерларгача ўз тажрибаларидан ўргатади. Шунинг учун ҳам доимо ҳурмат-эътиборда, — дейди подполковник Рустам Боймирзаев.

Қаҳрамонимиз ҳақида кимдан сўрамайлик, у ҳақда фақат ижобий фикрлар эшитдик. Ватанимизнинг шундай мард, жасур, шижоатли йигитлари борлигидан ғурурланиб қўйдик.

***Алижон САФАРОВ,***
***катта лейтенант.***

# КЕЛАР ЗАМОН УЧУН ҲОЗИРЛАНАЙЛИК

_ВАТАНИМИЗНИНГ миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини, қудратли интеллектуал салоҳиятини таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилётган тадбирлар алоҳида ўрин тутади._

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV ва XV сессияларида, Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқларини чуқур мулоҳаза қилар эканмиз, беихтиёр Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Келар замон учун ҳозирланайлик, ўтган замон учун эмас», — деган сўзлари ёдга келади.

XX аср поёнида Ватанимиз Олий Мажлиси томонидан янги асрда аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар маъсулияти ва жамиятнинг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. «Одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (СПИД касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида», «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу хужжатларни синчиклаб ўрганиш ва уларга амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқиб, кенг омма ўртасида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини амалга ошириш асосий вазифамиз бўлмоғи керак.

*Дилдаги гаплар*

Албатта, юқорида қайд қилинган ҳар бир ҳуқуқий хужжат маълум давлат ташкилотлари томонидан киритилган бўлиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш механизимини яратиш, аввало шу ташкилотлар зиммасидадир.

Юқорида қайд қилинган қонунларнинг моҳиятини биргина мўъжаз мақолада очиб бериш мушкул. Ўйлаймизки, ҳар бир қонун тегишли муассаса ходимлари томонидан чуқур ўрганилиб, аҳолига етказилади. Шундай экан, биз фаолият кўрсатаётган Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг дастурий, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни хусусида айрим мулоҳазалар билан кифояланганимиз дуруст.

Бир қарашда оддий демократик ҳолат, яъни Парламент бор — демак қонунлар қабул қилинган ва қабул қилинади. Лекин, замоннинг шитоби тез, Республикамизда содир бўлаётган буюк ўзгаришларни, давлатчилик, жамият ривожланишидаги юксалишларни четдан томошабин бўлиб кузатиб туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ақалли, шу буюк ўзгаришлар силсиласи билан яшаш, уларни ҳалқ орасида тўғри тарғиб қилиш, тушунтириш ва улар билан фахрлана билишимиз зарур. Мухтасар қилиб айтганда, айнан шу тадбирлар орқали аҳолининг маданияти юқори бўлишига эришилади.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган экан, бизнинг навбатдаги вазифамиз ва масъулиятимиз нималардан иборат бўлиши керак?

Ватанимизнинг яхлитлигига, аҳоли хавфсизлигига таҳдид солиб турган ҳам ички, ҳам ташқи хавфлар тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарларида батафсил тўхталиб ўтганлар. Менинг назаримда ушбу китобда Ватанимиз ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилар эканлар, хавфсизлик муаммоларини янада чуқуррок таҳлил қилиб, тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришиш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш тамойилларини тўлиқ очиб берганлар.

Янги минг йилликка ўтиш — бу энг аввало, янгича яшаш шароитига ўтишдир. Бу шароитда «инсон-табиат-жамият» тизимидаги мувозанатни сақлаш фақат қонунлар устуворлиги ва кенг кўламли илмий изланишлар асосида бўлиши муқаррар. Фуқаро муҳофазаси қонунининг қабул қилинишидан кутилган асосий мақсад ҳам шу тизимдаги ўзаро боғлиқликка зарар етказмаслик, мабодо ҳалокат юзага келгудек бўлса, табиий ва ижтимоий жабҳалардаги ноҳуш вазиятларга олдиндан тайёрланиш ва уларни бартараф қилишда иқтисодий самарадорликка эришишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтдаги юксак илмий-техник тараққиёт, мураккаб ва мукаммал технологик жараён нечоғли жадал суръатлар билан ривожланишга эга бўлмасин, фуқаро муҳофазаси муаммоларига тезкор таъсир этиш борган сари қимматлашиб бормоқда. Бу борада маблағларнинг аксарият қисми нохуш вазиятлар келтирадиган зарарни қоплаш учун эмас, балки уларнинг олдини олиш, инсонлар саломатлигини сақлаш, атроф-муҳитга жиддий зарар етишининг кўламини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга сарфланмоғи даркор. Энг муҳими аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун улар билан мунтазам тарғибот ишлари олиб борилиши лозим. Алалхусус, ҳар бир фуқаро хавфсизлик чора-тадбирларини нечоғли билиши орқали жамият хавфсизлиги таъминланади.

Қонун бешта бўлим, 27-моддадан иборат бўлиб, фавқулодда вазиятлар тушунчаси, давлат бошқарув ташкилотлари, маҳаллий хукумат органлари, фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларини қамраб олиб, том маънода инсон саломатлигини кафолатлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Албатта, ҳар бир модда моҳиятини, мазмунини англаш олдимизда турган асосий вазифадир. Бунинг учун қандай тадбирларга эътибор бериш лозим?

Аввало, ҳар қандай хукумат қарорлари қабул қилинар экан, уни тарғиб қилиш бўйича мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар қўйилади. Биринчидан, давлат радио ва телевидение қўмитаси ходимлари, журналистлар шу қонунларга бағишланган махсус кўрсатув ва эшиттиришлар уюштириб, бу тадбирларга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассисларини жалб этиши мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, турли партия намояндалари фуқаро муҳофазаси муаммоларига эътибор бериб, жойлардаги нохуш вазиятларнинг олдини олиш, бартараф этиш бўйича янги таклифлар билан чиқсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Учинчидан, Халқ таълими, Олий таълим вазирликлари тасарруфидаги барча ўқув масканларида «Ҳаёт хавфсизлиги асослари»га эътиборни кучайтириш, махсус дарс соатлари киритиш лозим. Тўртинчидан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга жалб қилинмаган аҳолининг ҳуқуқий маданияти юқори бўлишига эришишда маҳалла қўмиталарининг роли катта, албатта. Маҳаллаларда давра суҳбатлари, йиғилишлар ташкил этилса, меъёрий хужжатларни билиш савияси оширилиши билан бир қаторда, фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳамма қатламлари фаол иштирок этиши ҳам таъминланади.

Умуман олганда, ҳаётимиз турли-туман хавфли ҳоллардан кафолатланмаган. Хавфсиз ҳаётни таъминлаш ўз қўлимизда экан, уни англаш, маълум чора-тдбирларга тайёрланиш — шу хавфнинг олдини олиш ва унинг оқибатида содир бўладиган нобудгарчиликни камайтиришга хизмат қилади.

***Анварбек НУРХЎЖАЕВ,***
***Фуқаро мухофазаси институти кафедра бошлиғи.***

## БОШЛАРНИ СИЛАДИ МЕҲРИБОН ҚЎЛЛАР

_Ҳар қачонгидек, бу сафар ҳам Бўка тумани ҳокимлиги кам таъминланган оилалар, етим-есирларга мурувват кўрсатди. Туманда 50 нафар ногиронлар ҳокимлик ҳисобидан «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна қилиндилар._

Айни пайтда ҳудуддаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун шундай саҳоват кўрсатилмоқда. Соғлом авлод, Маҳалла, Камолот, Наврўз жамғармаларининг туман бўлимлари биргаликда бу ерда намойиш этиладиган театрлаштирилган кўрсатувлар матнини тайёрладилар. Тарбияланувчиларга Янги йил байрами тадбирида Президент совғалари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 1,5 млн. сўмлик пойабзал ҳамда бошқа буюмлар топширилди.

***Нилуфар ЗАРИПОВА,***
***ТошДУ талабаси.***

## АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

_XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудига 95 йил тўлади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ойбек уй-музейида улуғ адибнинг дўстлари, шогирдлари, фарзандлари, ёзувчи ва шоирлар тўпланди._

Маҳоратли шоир, таниқли олим, жаҳон адабиётининг тарғиботчиси ва жамоат арбоби, ёш авлоднинг ғамхўри ва мураббийси, улуғ аллома Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзбек адабиёти равнақига ўзининг «Қутлуғ қон», «Қуёш қораймас», «Навоий», «Улуғ йўл» каби ўлмас асарлари билан улкан ҳисса қўшган хассос сўз санъаткоридир. У умр бўйи халқ ҳаёти билан ҳамнафас яшаб, ижодий маҳоратини эл-юрт манфаати йўлида сарфлади. Унинг асарлари ўзбек халқи қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов академик Ойбек домлани ёдга олар экан, унинг бадиий баркамол, мазмундор, жўшқин шеърлари, халқимизнинг ўтмиши, кундалик ҳаётини акс эттирувчи қисса ва романлари минг-минглаб китобхонларни поклик, гўзаллик, муҳаббат, садоқат, дўстлик каби эзгу фазилатларга доимо ошно этаверишини қайд этди.

***А. СУВОНОВ,***
***ЎзА мухбири.***

*Қишлоқ мулкдори*

# ИШЛАШНИ БИЛГАН ЯХШИ ЯШАЙДИ

***ИНСОННИНГ табиати қизиқ. Баъзилар бор — фавқулодда омадлари юришиб қолса, оламга жар соладилар. Айримлар эса қойилмақом иш қилсаларда, биров билмайди. Ўртачирчиқлик Эрмат ота Усмонов ана шу кейинги тоифадаги ўта камтар фермерлардан экан. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкент вилояти меҳнаткашлари билан бўлган сайловолди учршувида Эрмат отанинг номини мамнуният билан тилга олиб, унинг фаолиятига юксак баҳо берди. Шу баҳона ота билан суҳбатлашдик.***

**— Олтмиш бешга кирибсиз, фермерлик оғирлик қилмайдими?**

— Аксинча, фермер бўлганимиздан сўнг менинг ишим янада енгиллашди.

**— Нега энди, фермерликнинг ташвиши, югур-югури кўп-ку?**

— Эҳа, сиз мени оилавий фермер, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Йўқ, биз 45 кишимиз. 240 гектар еримиз бор.

**— Мустақил фермер хўжалиги бўлганмиз денг?**

— Шундай. Ҳатто, ўз техникамизга эгамиз. Иккита ҳайдов, иккита чопиқ, учта транспорт тракторимиз бор. Ҳар йили 120 гектар ерда етиштириладиган пахтани ўзимизнинг иккита маҳаллий русумли машинамизда йигирма кунга қолдирмай териб оламиз. Биттадан кўсак терадиган ва чувийдиган машиналаримиз ҳам бор, лекин уларни ишлатмай қўйганимизга 5-6 йил бўлди.

**— Нега?**

— Мустақил фермер бўлганимиздан кейин ҳожати қолмади. Мана қаранг, ер ҳам, меҳнатимизнинг пировард натижаси ҳам ўзимизники, давлатникини топширганимиздан сўнг қолган ҳамма даромад қирқ беш кишиники.

Шу ўринда бир гапни айтай. Ўттиз беш йил бригадирлик қилдим. Бирор йил режа бажарилмай қолди, деган гап бўлмаган.

Лекин, кўрсатма кўп, ишимизга ҳуда-беҳуда аралашиш кўп эди-ю, кейинги йилларда даромадда тайин қолмаганди. Ҳамма нарса умумий эди-да. Ўзимизнинг меҳнатимиз натижасини ўзимиз кўрмасдик. Мустақиллик шарофати билан фермерлик ҳаракатига йўл очилгач, биз ҳам 1995 йилдан бошлаб бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, мулкдор бўлдик...

**— Гапингиз чала қолди. Кўсак терадиган, чувийдиган машиналар керак бўлмай қолди, деяётгандингиз...**

— Шуни айтяпманда. Мустақил бўлгач, ғўза яганаси, чеканка, дефолиацияни вақтида ва сифатли бажариб, ҳосилни эрта етиштиряпмиз. Саксон фоиз ҳосил пишмагунча теримни бошламаймиз. Пишиб кетган пахта чаноқдан оқиб кетади, деган гап ёлғон. Хуллас, ҳали айтганимдек, йигирма куннинг нарибериcида пахтани йиғиштириб оламиз. Ўттиз гектарчаси қўлда, қолгани машинада терилади. Кетидан шудгорни бошлаймиз. Ер тиниқиб дам олсин деймизда.

**— Ҳосилдорлик, соф даромад ҳам шунга яраша бўлса керак?**

— Албатта. Ҳосилдорлик 30 центнердан пастга тушмайди, шу билан бирга 35 центнердан ҳам ошмайди.

**— Қиркдан ошириб ҳосил олаётганлар бор-ку, сизлар нега ҳаракат қилмайсизлар?**

— Кўсак ва охирги чаноғигача қолдирмай терсак (шўролар давридагидек), бизда ҳам қиркдан ошади. Лекин «эшагидан тушови қиммат»га тушади. Меҳнат қилишдан мақсад даромад бўлганидан кейин, ҳеч қандай фермер бир сўм топиш учун икки сўм сарфламайди. Режани бажариб, кўкракка урадиган даврлар ўтиб кетди. Энди ишнинг кўзини, даромад келиш йўлини билган деҳқон барака топади. Масалан, бу йил фақат пахтанинг ўзидан 4 миллион сўм соф даромад кўрдик.

**—Ерингизнинг ярмига пахта экиларкан, қолганигачи?**

— 100 гектарча ерда ҳар йили буғдой етиштирамиз. Лекин, ўзимизнинг кўнглимиз тўлмаяпти. Негаки, ҳосилдорлик 30 центнердан ошмаяпти. Ваҳоланки, уруғлик Андижон вилоятидан келтирилади.

**— Ўзлари, ҳатто, 60 центнерга етказиб ҳосил олишяпти-ку?**

— Бизни ҳам шуниси ажаблантиряпти-да. Уруғлик масаласи билан жиддийроқ шуғулланмасак бўлмайдиган кўринади. Рост-да, меҳнат қилгандан кейин ғаллакорнинг қўли дурустроқ пул кўриши керак-ку, ахир. Тўғри, бу йил буғдойдан 1,5 миллион сўм соф даромад кўрдик, бу фермер хўжалиги учун кам-да. Ҳосилдорликни тенг баравар ошириш имконияти бор, шунда фойда ҳам икки баравар кўпаяди.

**— Қолган йигирма гектарга нима экасизлар?**

— Ҳар йили тўрт-беш гектар майдонда шоли етиштирамиз, қолгани сабзавот, полиз. Биласизми, бу экинлар биз учун жуда керак. Мана қаранг, бирорта тракторимиз авжи иш тиғиз пайтида бузилиб қолди дейлик. Эҳтиёт қисм билан таъминлайдиган ташкилотга пул ўтказиб, ҳужжат қилиб, уни олгунча, орадан кунлар ўтади. Бунинг устига ўша керакли қисм бўлмаса-чи? Демак, қўлдан олиш, бозорга югуриш зарур. Бунинг учун эса, нақд пул керак. Ана шунинг учун сабзавот экамиз. Экканда ҳам, тез ва кўп пул бўладиган турини танлаймиз.

Аъзоларимизни ҳам картошка, пиёз билан таъминлаб борамиз.

**— Хуллас, пахта ва ғалла юзасидан давлат буюртмасини ҳам бажарасизлар, бир ёқдан эса, ички эҳтиёжингизни ҳам қондирасизлар. Аммо ердан фойдаланиш қоидаси бузилмайдими?**

— Асло. Пахта ва ғалла учун давлат буюртмаси юзасидан тузилган шартнома биз учун асосий қонун. Уни эса, ҳар йили ортиғи билан бажаряпмиз.

**— Шолини айтмадингиз, ёки...**

— Дарвоқе, шолини экишдан мақсад ҳам аъзоларимизни гуруч билан таъминлашдир. Бунга ҳам давлат буюртмаси бор, албатта. Лекин, бизга қолгани ҳам етади. Масалан, бу йил шолидан 60 центнердан ҳосил олдик. Режа эса, 40 центнер. Ортганини аъзоларга бўлиб берамиз.

Улар пул зарур бўлиб қолганда, керагича шолини жувозга олиб бориб, гуруч қилиб сотишади ва кам-кўстларини тўғрилашади.

**— Ҳар ойда маош бериб борилмайдими?**

— Бунинг ҳожати йўқ. Аммо бўнак пули бериш бор.

**— Унда соф фойдани қандай тасарруф қиласизлар? Гапингизга қараганда, бу йил пахта ва ғалладан 5,5 миллион сўм соф фойда олибсизлар?**

— Соф фойданинг 80 фоизчаси 45 кишига йиллик даромад сифатида тақсимланади. Қолган 20 фоизини «Пахта-банк»нинг туман бўлимидаги ҳисоб рақамимизда ушлаб турамиз. Келаси йилги бўнак пули ҳисоб рақамимизга келиб тушгунча, ёнилғи-мойлаш ашёлари, эҳтиёт қисмлар каби заруратларга сарф қиламиз.

Бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди. Биз аъзоларимизга йилига 180-200 килограммдан пахта ёғи бериб борамиз. Дўкондагидан анча арзон нархда, албатта. Оилаларнинг кўпчилиги шунча ёғни истеъмол қилишга улгурмайди. Яъни рўзғоридан ортиқчасини сотиб, пул қилади.

**— Арзон ёғни қаердан оласизлар?**

— Давлатга сотиладиган пахтамиз чигитдан чиқадиган ёғ, кунжара ва бошқа маҳсулотларнинг ярмидан кўпи ўзимизга берилади. Бу аъзоларимизнинг ҳалол ҳақи. Зеро, замона мулкдори мақомига эга бўлиб, манфаатдорлик билан жон куйдириб меҳнат қилаётган деҳқон яхши яшаш ҳуқуқига ҳам эга, албатта.

***Суҳбатдош: Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.***

